



**Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар
мазмунини ва истиқболдаги вазифалар**

Рустам Хашимов
Фуқаролик ишлари бўйича
Чирчиқ туманлараро судининг судьяси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва истиқболдаги вазифаларга оид масалалар кўтарилган. Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида янги поғонага кўтариш зарурати атрофлича ўрганилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасига оид илмий-назарий қарашлар муҳокама қилинган.

Калит сўзлари: суд, ислохот, мустақиллик, қонунийлик, инсон ва фуқаролар, ҳуқуқ ва эркинликлар, одил судлов, шаффофлик, электрон тизим.

Аннотация: В данной статье поднимаются вопросы, связанные с сущностью реформ в сфере юстиции и права в Узбекистане и перспективными задачами. Подробно изучена необходимость укрепления независимости судебной власти и поднятия ее на новый уровень на основе международных стандартов и передового зарубежного опыта. Также были обсуждены научно-теоретические взгляды, связанные с правовой сферой.

Ключевые слова: суд, реформа, независимость, законность, человек и гражданин, права и свободы, правосудие, прозрачность, электронная система.

Abstract: This article raises questions related to the essence of reforms in the field of justice and law in Uzbekistan and future tasks. The need to strengthen the independence of the judiciary and raise it to a new level based on international standards and best foreign experience has been studied in detail. Scientific and theoretical views related to the legal sphere were also discussed.

Key words: court, reform, independence, legality, man and citizen, rights and freedoms, justice, transparency, electronic system.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судлар томонидан ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни самарали амалга ошириш ҳамда судьялар ҳамжамияти родини кучайтириш бўйича муайян ижобий натижаларга эришилди.



Хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишига кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни муддатсиз даврга тайинлаш тартиби жорий қилиниб, уларнинг дахлсизлиги кафолатлари кучайтирилди, судлар фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этилиб, уларнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда суд органлари ва судьяларнинг мустақиллигини кафолатловчи ҳуқуқий асослар яратилиб, судларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш, одил судлов самарадорлигига ва қонун устуворлигига эришиш бўйича таъсирчан механизмлар жорий этилди. Бунда янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминланганлик ҳолатини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида янги поғонага кўтариш зарурати қуйидагилар билан изоҳланади:

Судлардаги иш юкларининг юқорилиги одил судлов сифатини ошириш ва фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш борасида муайян қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Жумладан, республика бўйича судьяларнинг сони 1431 тани (100 минг аҳолига 4 нафар судья тўғри келади) ташкил этади. Қайд этиш лозимки, бу кўрсаткич МДҲ давлатлари орасида энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Хорижий давлатлар статистикасига кўра, Европа давлатларида 100 минг аҳолига ўртача 22,7 нафар судья тўғри келади (Хорватияда 43,3 нафар (энг кўп), Францияда 10,4 нафар (энг кам). МДҲ давлатлари ичида бу кўрсаткич Россия Федерациясида 18 нафар, Украинада 14,6 нафар, Қозоғистонда 12 нафарни ташкил этади.

Судьялик касбига малакали кадрларни тайёрлаш тизимини хорижий давлатларнинг кўп йиллик тажрибаси асосида янада такомиллаштириш зарур. Амалдаги тартибга кўра Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида судьяликка номзодларни тайёрлаш курсининг магистратура дастури асосида ташкил этилганлиги судьяликка номзодларни судьялик касбига йўналтирилган махсус малака талаблари ва ўқув режалари асосида тайёрлаш имконини бермайди. Шунингдек, малака ошириш курсларида илк бор тайинланган судьялар билан бирга тажрибали судьялар ҳам иштирок этиши мумкин бўлиб, улар учун дифференциал курсларни ташкил этиш эҳтиёжи мавжуд. Шунингдек, судьяларнинг малака ошириш даврийлигига оид талаблар ҳам қонунчиликда белгиланмаганлиги судьяларнинг ўз устида мунтазам ишлашини таъминламайди.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи масъул органларнинг белгиланмаганлиги, судларда комплаенс назорати жорий этилмаганлиги, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва коллизия нормаларнинг мавжудлиги коррупциявий омилларни барвақт аниқлаш ва уларга қарши самарали курашишда муайян қийинчиликларни вужудга келтиради.

Ечимини кутаётган масалалардан яна бири фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб



борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш ҳисобланади.

Шу муносабат билан суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашнинг стратегик мақсад ва вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш ҳамда судьялар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида судьялик лавозимини эгаллаш учун юқори малакали ва мустақил қарор қабул қила оладиган замонавий кадрларни тайёрлаш ва уларни шаффоф тарзда тайинлаш тизимини такомиллаштириш;

аҳолининг судларга бўлган ишончини ошириш ва суд тизимининг нормал фаолият юритишини таъминлаш юзасидан суд тизимида коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш;

суд органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, улар фаолиятига босқичма-босқич рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, жамоатчилик институти вакиллари ва ОАВ билан ҳамкорликни кучайтириш;

суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигига амалда эришиш, судларни моддий-техник таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий қафолатларни янада кучайтириш;

одил судловнинг холислиги ва беғаразлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш механизмларини халқаро стандартлар ва хорижий тажриба асосида такомиллаштириш;

судьялар сонини уларнинг иш юклагаси асосида белгилаш тартибини жорий қилиш орқали судьялар етишмаслиги муаммосини ҳал этиш, судьяларга ортиқча юклага кўйилишининг олдини олиш;

низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларида фойдаланишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш ва мазкур амалиётдан фойдаланишни кенгайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловга эришиш конституцияда белгилаб берилган суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг қафолати сифатида қаралиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар орқали унга эришиш имкониятини таъминлаш (шикоят, ариза, суд қарорини ижро этиш ва бошқа ҳужжатларни ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этиш) воситаси сифатида кўриб чиқилиши керак.

Адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш мумкин. Одил судловга эришиш ҳуқуқи демократик жамият ва қонун устуворлигининг белгиларидан биридир. Одил судлов жамият ҳаётида, жамият аъзоларини ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда одил судлов ҳар қайси даврларда ҳам улуғланганлигини, кадрланганлигини ҳамда инсонлар унга интилиб яшаганликларини таъкидлаш ўринли бўлади.



Суд тизимига рақамлаштиришни жорий этиш нафақат судьялар ва суд ходимлари фаолияти самарадорлигини, балки ишларни судда кўриш даражасини ошириш орқали қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган суд ишларининг ошкоралиги тамойилини амалда жорий этиш, ахборотнинг шаффофлиги, одил судловнинг очиклиги ва ошкоралиги, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг унга бўлган ишончини янада ошириш имкониятини таъминлайди. Бу вазифаларни ҳал этиш бутун суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш ва бир вақтнинг ўзида тегишли ҳуқуқий базани яратиш билан электрон судловга ўтишни назарда тутди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, одил судлов бу халқнинг нажоди, дарди, ечилмаган муаммолари ва авлодимиз суяниши мумкин бўлган демократик-ҳуқуқий давлатнинг ҳақиқий асоси эканлигини кафолатлашга қаратилмоқда ва бу борада олдимизга қўйилган мақсадларга эришиб келмоқдамиз.

